

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ  
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ  
81-сонли БАЁНИдан КЎЧИРМА**

Умумий Йиғилиш Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов шох кўчаси, 4 уйда  
видеоконференцлока режимида “ZOOM” платформасида ўтказилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган  
масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун акциядорлар иштирок этдилар.

Йиғилиш ўтказилган сана:	2021 йил 15 октябрь
Рўйхатга олиш бошланган вақт:	соат 14.00
Рўйхатга олиш тугаган вақт:	соат 14.40
Йиғилиш ёнилган вақт:	соат 15.50
Баён тузилган сана:	2021 йил 25 октябрь

**ЎЗРВБ акциядорларининг жами овозлари сони – 1 069 600 та овоз.  
Жумладан:**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	- 536200;
«Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки	- 119000;
Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият миллий банки	- 119000;
«Агробанк» акциядорлик тижорат банки	- 95200;
«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки	- 95200;
«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки	- 61600;
Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки	- 43400.

Йиғилишда қатнашган акциядорлар 1 069 600 та овозга эга бўлиб, бу жами  
овозлар сонининг 100 фоизини ташкил этади.

## КУН ТАРТИБИ:

3. ЎзРВБнинг 2020 йил яқунларига кўра соф фойдасини тақсимлаш.

**ЎзРВБ акциядорларининг овоз бериш бюллетенлари асосида  
ЎзРВБ акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг  
қуйидаги қарори қабул қилинди:**

3. ЎзРВБнинг 2020 йил яқунларига кўра соф фойдасини тақсимлаш масаласи:

1) 2020 йил яқунларига кўра ЎзРВБнинг (МХХС бўйича) жами **44 456 195 000,00 сўм** соф фойдасидан **22 228 095 624,00 сўм** (50 фоиз) микдордаги пул маблағлари 2021 йил 29 июндаги акциядорлар умумий йиғилишининг қарори (80-сонли баён)га асосан акциядорлар ўртасида дивиденд сифатида тақсимланганини инобатга олган ҳолда, 2020 йил яқунларига кўра соф фойдадан қўшимча тарзда **11 114 053 160,00 сўм** (25 фоиз) пул маблағлари акциядорлар ўртасида дивиденд сифатида тақсимлансин (иловага мувофиқ).

2) Мазкур пул маблағларидан давлат улушига (Марказий банкка) тегишли қисми бўйича ҳисобланган дивиденд суммаси, яъни **5 571 573 770,00 сўм** давлат бюджетига тўлаб берилсин.

3) ЎзРВБ соф фойдасидан (2020 йил учун) дивидендга йўналтирилган қисмидан қолган пул маблағлари, яъни **11 114 053 160,00 сўм** (25 фоиз) ЎзРВБ инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, ЎзРВБ биносини реконструкция қилиш (капитал таъмирлаш)га (**5 млрд. сўм**) ва кейинчалик кафолат фондини шакллантириш учун (**6,11 млрд. сўм**) ЎзРВБ ихтиёрида қолдирилсин.

4) 2021 йил 29 июндаги акциядорлар умумий йиғилиши қарори (80-сонли баён)нинг 2020 йил соф фойдасидан қолган **22 228 000 000,00 сўм** микдордаги пул маблағларини ЎзРВБ инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, ЎзРВБ биносини реконструкция қилиш (капитал таъмирлаш)га (**10 млрд. сўмни**) ва кейинчалик кафолат фондини шакллантириш учун (**12,2 млрд. сўмни**) ЎзРВБ ихтиёрида қолдириш тўғрисидаги қисми бекор қилинсин.

5) *Дивидендларни тўлаш шакли* – акциядорларнинг ҳисобрақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли билан.

*Дивидендларни тўлаш бошланадиган сана* – 2021 йил 20 октябрь

*Дивидендларни тўлаш тугайдиган сана* – 2021 йил 30 ноябрь.

**Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.**

Йиғилиш раиси (имзо)

Б.Ю. Абубакиров

Йиғилиш котиби (имзо)

Ж.Б. Худойбердиев

Аслига кўра тўғри:

Бош директор



Б.Т. Салойдинов